



ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Рапиков Шухрат Хикматуллаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164400>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Халқаро ҳужжатлар, универсал, минтақавий, соҳавий халқаро ҳужжатлар, инсон ҳуқуқлари, тезкор-қидирув фаолияти.

ABSTRACT

Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари ўрганилиб, халқаро ҳужжатларни амал қилиш ҳудудининг чегараси ва соҳасига кўра уч гуруҳга бўлиниши таъкидлаган. Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир юздан ортиқ халқаро ҳужжатлар таҳлил қилиниб, тезкор-қидирув фаолиятининг назарияси ва амалиётига асослантирилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаши узоқ тарихига эга. Маълумки, давлатнинг ҳар қандай ҳуқуқий тизимининг муҳим элементларидан бири бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари институтидир. Ушбу концепция мамлакат қонунлари билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар эгасининг ҳақиқий имкониятларини белгилайди.

Инсоният тарихида дастлаб инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғоясининг пайдо бўлиши милoddан аввалги V – IV асрларга тўғри келади. Жумладан, Қадимги Афинада фуқароларнинг мутлақ ҳуқуқсизлигини бирлаштирган фуқаролик институти пайдо бўлади [1]. Қадимги файласуфлар томонидан инсон ҳуқуқларининг келиб чиқиши илоҳий тамойиллар билан изоҳланиб, уларнинг фирк-мулоҳазаси “ҳамма нарсанинг ўлчови — инсон” тамойилига асосланиб, бу одамларнинг тенглиги ғоясини ривожлантириш учун хизмат қилган.

Қадимги Римда тенглик барча одамлар эркин туғилишини англатарди, аммо фақат эркин фуқаролар ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиниб, қуллар эса ҳуқуқ объектига тенглаштирилиб, бу даврда қонун талабларининг ҳамма учун бирлиги принципи ўрнатилди ва унга ҳамма бўйсунди.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш Англияда бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. 1215 йилда Англиянинг “Магна Карта”, яъни, Эркинликнинг буюк Хартияси [19] қабул қилиниб, ушбу ҳужжат халқнинг аҳволини яхшиламади, балки фақатгина йирик ер эгаларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан чегараланган холос. 1679 йил 26 майда Англияда Habeas Corpus (Habeas Corpus Act)



хужжатининг эълон қилиниши, шахснинг дахлсизлиги кафолатларини, айбсизлик презумпцияси принципини ўрнатган асосий конституциявий ҳужжатлардан бири бўлди[5]. Жамиятни демократлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадамлардан бири 1689 йилнинг 13 феввалида Англияда ҳуқуқлар тўғрисидаги Билни қабул қилиниши билан боғлиқ[14]. Мазкур ҳужжат парламентнинг ролини кучайтирди (масалан парламент розилигисиз халққа солиқ ва йиғимларни белгилаш тақиқланди). Ўша даврда фуқароларга қиролга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиб, уларнинг сўз эркинлиги кафолатланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тенглик ҳақидаги ғояларнинг кейинги ривожланиши табиий ҳуқуқий доктринага асосланади. Унга кўра халқ ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқнинг устунлиги тан олинади. 1776 йил 4 июлда қабул қилинган Виржиния штатини Мустақиллик декларациясида: “барча одамлар тенг даражада эркин ва мустақил, табиий ҳуқуқларга эга эканлиги, давлат бу ҳуқуқларни фақат уларни ҳимоя қилувчи мамлакатнинг асосий қонунида расмий равишда белгилаш орқали тан олинади”[17] белгилаганди. Шу боис, табиий ҳуқуқлар тўғридан-тўғри, бошқа одамларнинг хоҳишидан қатъи назар, ҳеч қандай ижро ҳужжатсиз амалга оширилиши мазкур ҳужжатда қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари ғояси Буюк француз инқилобининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, 1789 йил 26 августда Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинишига сабаб бўлди. Декларация моҳиятида: “биринчи марта фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар эълон қилиниши, фуқаролик ҳуқуқи маълум бир давлат фуқароси, чет эл ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга таалууқли эканлиги; сиёсий ҳуқуқлар шахснинг сиёсий манфаатига бевосита таъсир кўрсатадиган ва шахснинг мамлакат сиёсий ҳаётида ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш имкониятини ифода этиши (жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларни ташкил етиш; референдумда иштирок етиш; давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш; давлат хизматидан тенг фойдаланиш имкониятига ега бўлиш; одил судловни амалга оширишда иштирок этиш; судья лавозимини эгаллаш; давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига яқка ва жамоавий баёнотлар ва таклифлар билан мурожаат қилиш; йиғилишлар, митинглар, намойишлар, пикетлар ва бошқаларни ўтказиш); одамлар эркин ва тенг ҳуқуқларига эгаллиги, ҳар қандай сиёсий иттифоқнинг мақсади табиий ва ажралмас инсон ҳуқуқ ва эркинликларини шу жумладан, мулк дахлсизлигини ва хавфсизликни таъминлашдан иборатлиги”[20] мазмунидаги қоида, айбсизлик презумпцияси ва виждон эркинлигини таъминлаш кабилар мустаҳкамланди.

Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосини таҳлил қилиш, шахс ҳуқуқий мақомини шакллантириш жараёнининг нақадар мураккаблиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларни илгари суришга имкон беради. Жараённи таснифлаш турли мезонларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Масалан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари пайдо бўлган вақт, ҳуқуқий асосларнинг юридик даражасига кўра таснифлаши ва бошқа жиҳатларига.

Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ушбу соҳани тартибга солишда



хуқуқий манба ҳисобланган, давлатнинг вакиллик органи ва бошқа мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг юридик даражасига кўра, шартли равишда гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш ва таққослаш тўғри деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқшунос олимлар тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини гуруҳларга ажратиш бўйича турли фикрларни билдиришади. Жумладан, Т.Р.Саитбаев ва Б.Т.Акрамходжаев томонидан тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини икки гуруҳга яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан иборатдир [15; 6–15-б.] деб таъкидлаб ўтишган. Тезкор-қидирув фаолияти фанини ривожланишига хисса қўшган айрим олимлар ва мутахассислар эса, Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари қуйидаги тўрт даража: “конституциявий; халқаро ҳуқуқий; қонун ҳужжатлари; қонуности ҳужжатлари” да [16; 8-б.] намоён бўлиши керак деб таъкидлашади. Ш.К.Гиясов тадқиқот ишида тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қуйидаги: “халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар; миллий қонунлар; қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар” [3; 31-б.] мазмунида тўрт гуруҳга ажратган. Ушбу таснифга бироз ўзгартириш киритган В.Каримов эса, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари қуйидаги: “халқаро; конституциявий; қонунлар; қонуности ҳужжатлар” [7; 15-б.] каби даражаларидан иборат бўлиш керак деб таъкидлайди.

Шубҳасиз, Ш.К.Гиясов ва В.Каримовнинг фикрига тўлиқ қўшилаемиз. Халқаро ҳужжатларнинг қоидалари, Конституциядан устун ҳисобланади. Бу ҳақида асосий қомусимизда ва бошқа жорий қонунларда таъкидлаб ўтилган. Шу боис, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни ҳуқуқий асосларини қуйидаги гуруҳларга: *халқаро ҳужжатлар; Конституция; қонунлар; қонуности ҳужжатлар*га ажратиб ўрганиш тўғридир.

Тезкор-қидирув фаолиятида соҳасига тааллуқли ҳужжатларни таҳлил қилиниши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда мавжуд ҳуқуқий, ташкилий муаммоларни аниқлашга ва уларни бартараф этишга имкон беради. Ушбу мақолада тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни *халқаро ҳуқуқий асосларини* кўриб чиқамиз.

Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар деганда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилувчи халқаро шартнома ва бошқа халқаро ҳужжатлар тушунилади.

Халқаро ҳужжатлар. XIX аср бошларида дунёнинг барча мамлакатлари учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 1815 йилда “Қул савдосини тақиқлаш ҳақида Вена конвенцияси” ва 1864 йили “Уруш пайтида ярадорлар ва беморларни ҳимоя қилиш ҳақида” Женева конвенцияси шулар жумласидандир.

Дунёда тинчликни, хавфсизликни таъминлашда давлатларнинг ва барча миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида 1945 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилоти ташкил этилди. Ушбу халқаро нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар томонидан универсал, минтавий, шунингдек, жинойтчиликка қарши



кураш, ҳамкорлик, бошқа соҳаларда икки томонлама, кўп томонланма характердаги инсон ҳуқуқлари (*ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқ.*)ни таъминлашга оид юздан ортиқ халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни амал қилиш ҳудудининг чегараси ва соҳасига кўра уч гуруҳга бўлиб ўрганиш тўғри. Дунёдаги ҳар қандай давлатларнинг иштирок этиши мумкин бўлган *универсал* халқаро ҳужжатлар; дунёнинг айрим қитъасидаги давлатларнинг биргаликда қабул қилган *минтавий* халқаро ҳужжатлар; тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлашда жиноятчиликка қарши курашишнинг тегишли *соҳаларига* кўра халқаро ҳужжатларга бўлиниши мақсадга мувофиқдир. Ушбу халқаро ҳужжатларни ўрганиб, таҳлил қиламиз.

Универсал халқаро ҳужжатлар. Дунёда инсон ҳуқуқларига оид жами 27 та универсал халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, шундан 11 таси декларация, 16 таси конвенциялардир (Бола ҳуқуқлари Женева декларацияси (26.11.1924); Бола ҳуқуқлари декларацияси (1959); Геноцид жиноятининг олдини олиш ва бундай жиноят учун жазо тўғрисида Конвенция (09.12.1948); Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (10.12.1948); Қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенция ва қочоқлар мақоми тўғрисида Протокол(14.12.1950); Фуқаролиги бўлмаган ҳолатини қисқартиш ҳақида конвенция (30.08.1961); Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш ҳақида Конвенция (21.12.1965); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (16.12.1966); Апартеид жиноятини бартараф этиш ва жазолаш бўйича халқаро Конвенция (30.11.1973); Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация (09.12.1975); Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари бартараф бериш тўғрисида Конвенция (18.12.1979); Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот ва ҳужжатлар тизими жамловчи нодавлат ташкилотнинг биринчи йиғилиши (HURIDOCs 04.07.1982); Қийноқларга қарши конвенция (SOS, 14.04.1983); Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига қарши Конвенция (10.12.1984); Мустақил мамлакатларда қабила турмуш тарзини олиб боровчи маҳаллий халқлар тўғрисида Конвенция (27.06.1989); Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларация (04.12.1986); Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (20.11.1989); Барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция (ICMW 18.12.1990); Вена декларацияси (25.06.1993); Пекин декларацияси (15.09.1995); Инсон мажбуриятлари ва жавобгарлиги декларацияси (09.12.1998); Маданий хилма-хиллик умумжаҳон декларацияси (02.11.2001); Ногиронлар ҳуқуқлари Конвенция (13.12.2006); Барча шахсларни зўрлик остида ғойиб бўлишидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция(CPED, 20.12.2006); Маҳаллий халқлар ҳақида декларацияси (13.09. 2007); 2008 йил 18 декабрда қабул қилинган Жинсий ориентация ва гендер идентификацияси тўғрисида декларация). Ушбу халқаро ҳужжатларни мазмунида инсоннинг барча ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олиниб, ушбу халқаро ҳужжатларнинг мазмуни таҳлил қилинганида *биринчидан*, болаларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини БМТнинг Низомига мувофиқ таъминлаш, уларни ватанга муҳаббат, қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланишига шарт-шароитлар яратиш[18]; *иккинчидан*, инсон ҳуқуқ ва



эркинликларини (шахсий, ижтимоий-иқтисодий, мааданий ва бошқ.) бузилишига йўл қўймаслик[4]; *учинчидан*, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида фуқаролик ва шахсий ҳуқуқлар соҳасидаги яшаш ҳуқуқи; эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи; қийноқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва шахс қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларидан эркин бўлиш ҳуқуқи; турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи; ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи; фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи; маълумотлардан эркин фойдаланиш[11] каби 7 ҳуқуқлар назарда тутилгани ва ушбу ҳуқуқлар асосий қомусимизда ҳам ўз аксини топгани; *тўртинчидан*, барча давлатлар қочоқлар муаммоларининг ижтимоий ва инсонпарварлик хусусиятини ҳисобга олиш, тинчликка қарши, ҳарбий жиноятлар ёки инсониятга қарши жиноятларни олдини олишда қочоқлар муаммоси билан боғлиқ давлатлар ўртасидаги ихтилофнинг олдини олиш чораларини кўрилиши; *бешинчидан*, шахсни жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаб фуқаролиги бўлмаган шахс (апатрид) бўлиб қолишини олдини олиниши; *олтинчидан*, ҳар бир инсонга хос қадр-қиммат ва тенглик принципларига амал қилиш; шахснинг ирқи, жинси тили ёки динини ажратмасдан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этилиши; *еттинчидан*, шахснинг барча ҳуқуқлари ва эркинликларидан маҳрум қилиш тақиқланиши; *саккизидан*, инсон ва фуқаролар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан доимий равишда фойдаланиши; *тўққизинчидан*, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш давлат томонидан амалга оширилиши; *ўнинчидан*, аёлларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонликлар содир этилишига йўл қўймаслик, гендер тенглиги асосида уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш[10]; *ўн биринчидан*, шахсни бошқа шахс содир этган жинояти учун жазолаш, қўрқитиш, зўрлаш, ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган қасддан кучли оғриқ ёки жисмоний ёхуд маънавий азоб берилиши қийнаш ҳисобланиб [9; 30-б.], ушбу ҳаракатларни содир этган айбдор шахсга узоқ муддатли озодликдан маҳрум жазоси тайинланиши; *ўн иккинчидан*, ҳар бир инсон якка ва жамоавий тартибда миллий ва халқаро миқёсда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тарғиб қилиши; *ўн учинчидан*, маданий хилма-хиллик асосида инсоннинг маданий ҳуқуқлари ва эркинликлари (муаллифлик ҳуқуқи, ижод эркинлиги ва бошқ.)нинг[6] таъминланиши;

ўн тўртинчидан, ногиронларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланиш, етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган [2; 12] ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари белгилангани; *ўн бешинчидан*, халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан шахсларни зўрлик остида ғойиб бўлиши билан боғлиқ жиноятлар шахсга қарши жиноятлар ҳисобланиб, айбдор шахслар жиноят қонунчилигига кўра жавобгарликка тортилиши; *ўн олтинчидан*, БМТга аъзо ҳар бир давлат маҳаллий халқлар ҳуқуқлари (якка ва жамоавий ҳуқуқлар; маданий ҳуқуқлар; таълим, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш, тил ва бошқа ҳуқуқларга бўлган ҳуқуқлар) тан олиниши ҳақида умумий хулосаларга келинди.



Минтақавий халқаро ҳужжатлар. Статистик маълумотларга кўра, инсон ҳуқуқларига оид Америка, Африка, Европа, Осиё, Яқин Шарқ каби минтақаларда жами 25 та халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, шундан 5 таси декларация, 20 таси конвенциялар (Америка инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари декларацияси (30.04.1948); Қийноқларни олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги Америкалараро Конвенция (1949); Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси (3.09.1953); Европа ижтимоий Хартияси (1961); Инсон ҳуқуқлари ҳақида Америка Конвенцияси (1969); Халқлар ва инсон ҳуқуқи ҳақида Африка Хартияси (1981); Осиё халқлари ва ҳукуматларининг асосий вазифалари декларацияси (1983); Қийноқ ва бошқа шафқатсиз ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазони турини олдини олиш бўйича Европа Конвенцияси (1987); Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги ҳақида Африка Хартияси (1990); Ислонда инсон ҳуқуқлари декларацияси (1990); Озчилик тиллари ёки минтақавий тиллар бўйича Европа Хартияси (ECRML 05.11.1992); Аёлларга нисбатан зўравонликни ва жазолаш турини олдини олиш ҳақида Америкалараро Конвенция (20.12.1993); Миллий озчиликларни ҳимоя қилиш бўйича Европа Конвенция (01.02.1995); Фуқаролик тўғрисида Европа Конвенцияси (1997); Ногиронларнинг камситилишини барча шакллари бартараф этиш ҳақида Америкалараро Конвенция (1999); Африкадаги аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка халқлари ва инсон ҳуқуқлари хартиясига протокол (11.07.2003); Араб инсон ҳуқуқлари Хартияси (22.05.2004); Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (16.05.2005); Шахсларни зўрлик остида ғойиб бўлишидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Америкалараро Конвенция (29.06.2006); Африка ёшлар Хартияси (30.06.2006); Европа Иттифоқининг асосий ҳуқуқлари Хартияси (01.12.2009); Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси инсон ҳуқуқлари декларацияси (ASEAN 2009); Америка маҳаллий халқлар декларацияси (2016); Гендер тенглиги ва ривожланиш протоколи (2018); 2019 йил 30 июлда қабул қилинган Ногиронлик ҳақида Африка протоколи) қабул қилиниб, ушбу ҳужжатларда инсон ва фуқароларнинг ёши, жинси, ижтимоий аҳволдан қатъий назар барча ҳуқуқ ва эркинликлари маҳаллий ва халқаро даражада кафолатларини белгилаб қўйилди. Мазкур халқаро ҳужжатларнинг мазмуни таҳлил қилинганида *биринчидан*, минтақавий халқаро ҳужжатлар дунёнинг беш минтақаларида: Америка, Африка, Европа, Осиё, Яқин Шарқ давлатлари ўртасида қабул қилинганлиги; *иккинчидан*, мазкур халқаро ҳужжатларда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши; барча тусдаги қийноқларни олдини олиш ва ушбу жиноятларни содир этган шахсларни қатъий жазоланиши каби масалалар ёритилгани; *учинчидан*, ёши, жинси, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий аҳволдан қатъий назар турли тоифада шахсларни ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро ҳужжатлар билан кафолатланиши; *тўртинчидан*, жамиятда эркак ва аёллар тенг бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинлари тенг равишда ҳимоя қилиниши ҳақида хулосага келинди.

Соҳасига кўра халқаро ҳужжатлар. Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфатларини таъминлашда жиноятчиликка қарши курашишнинг соҳаларига оид жами 115 та халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб халқаро ҳужжатларнинг таснифланишига кўра: 1,7 фоизи келишув; 13,2 фоизи конвенция; 32,4 фоизи шартнома;



52,7 фоизи битимлар; *халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг соҳаларига кўра*: 4,3 фоизи бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга оид; 27,4 фоизи уюшган жиноятчиликка қарши курашиш; 12,3 фоизи терроризм, экстремизмга қарши курашиш; 3,6 фоизи қурол, ўқ-дори, портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши; 15,7 фоизи гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш; 11,3 фоиз шахсларни қидириш, ушлаб бериш ва экстрадиция масалалари; 1,7 фоизи ахборот хавфсизлиги; 16,6 фоизи фуқаролик, савдо, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; 3,6 фоизи жиноий жазолар ижро этилишини таъминлаш; 3,5 фоизи эса божхона соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятига оид маносабатларни тартибга солиди [1]. Мазкур халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинганида *биринчидан*, халқаро ҳужжатларнинг таснифланишига кўра гуруҳларга ажратилганида бевосита инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини таъминланишига биринчи навбатда алоҳида эътибор бериш; *иккинчидан*, тезкор-қидирув фаолиятига таалуқли жиноятчиликка қарши курашишнинг бошқа соҳаларига оид қабул қилинган халқаро ҳужжатлар (жиноятлар, қидирув иши, ахборот хавфсизлиги ва бошқ.) мазмуни бўйича тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилганида ҳам инсон ҳуқуқлари, эркинликларига риоя қилиш зарурлиги ҳақида хулоса қилинди.

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеяси халқаро ҳамжамияти томонидан 17.12.1979 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хулқ-атворининг стандарти сифатида эътироф этилган “*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси*” (полиция кодекси) қабул қилинди. Ушбу кодексда ҳар қандай мамлакат полицияси ходимлари учун қуйидаги талабларга амал қилиши: аҳолининг потенциал заиф гуруҳларига (болалар, қариялар, қочоқлар, муҳожирлар, одам савдоси қурбонлари ва бошқ.) алоҳида эътибор бериш; полиция ходимлари жиноят содир этишда гумонлаётган, айбланаётган ёки жабрланган шахслар билан хушмуомалада бўлиш, уларнинг шаъни, қадр-қимматини камситмаслиги, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва ҳурмат қилиш, шахсий ҳаётига аралашмаслик; ушбу шахсларга зарурий мудофанинг чегарасидан четга чиқмасдан зарур ҳолларда куч ишлатиш; полиция ходимлари тинч юришлар, митингларда қатнашаётган шахсларга куч ишлатмаслик; қуролдан фойдаланиш, қўллаш тартибига риоя қилган ҳолда ишлатиш; фақат қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганида шахсларни ҳибсга олиш ва сақлаш; ҳибсга олинганларни жойлашган жойи ҳақида яқин қариндошлари хабар бериш, адвокатни таклиф этиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш; ҳибсга олинганларни шаъни, қадр қимматини камситмаслик, уларни дўппослаш ва бошқа қийнаш ҳолатларини амалга оширмаслик; полиция ходими ноқонуний буйруқларни бажармаслиги, акс ҳолда қонуний жавобгарликка тортилиши; полиция ходимлари қоидабузарлик ҳақида хабари бўлганида дарҳол бевосита юқори турувчи раҳбарига хабар бериши [8] таъкидланган. Фикримизча, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинлари ва қонуний манфаатларини таъминшда ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича мансабдор шахсларни хулқ-атвор кодексида назарда тутилган муҳим қоида ва талабларни амалий фаолиятда тўғри татбиқ этилиши зарурдир.



Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда юқорида таъкидлаб ўтилган юздан ортиқ (167 та ўрганилган) халқаро ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил қилиш асосида қуйидагилар тафсия этилади:

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тизимида, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши *тўрт гуруҳларга* ажратилишини, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни амал қилиш ҳудудининг чегараси ва соҳасига кўра: *универсал, минтақвий, соҳавий* гуруҳларга бўлинишини тушунтириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексида назарда тутилган барча давлат органларининг полиция ходимлари учун умумий тавсиявий қоидадан келиб чиқиб, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишда тезкор бўлинмаларнинг ходимлари қуйидаги 10 та муҳим қоида ва талабларга амалга қилиниши: а) ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда ёки бошқа ҳудудларда истиқомат қилаётган, доимий ёки вақтинча бандлиги таъминланга аҳолининг заиф, ночор, ногиронлиги бўлган, эҳтиёжманд қатлам вакилларига алоҳида эътибор қаратиш; б) жиноят содир этишда гумонланган ва айбланаётган шахслар билан профессионал касб этикаси қоидаларига риоя қилган ҳолда хушмуомала, самимий муносабатда бўлиш; в) жиноят содир этишда гумонланган ва айбланаётган, жиноятни содир этишга тайёргарлик кўраётган, режалаштирган, тергов ва суд органларидан яшириниб қидирувда юрган шахсларни қўлга олишда, агар улар фаол қаршилик кўрсатишганида зарурий муҳофаза чегарасидан (*яъни, этказилиши мумкин бўлган зарар олди олиниши мумкин бўлган зарар билан тенг ёки кам бўлиши*) четга чиқмаган ҳолда қаршилик кўрсатиш; г) оммавий тадбирларда, намойиш ва митингларларда тинч ҳолатда иштирок этаётган фуқароларга жисмоний куч ишлатмаслик; д) қурол қўллаш тартиби ва асосларига биноан таъаб ва бошқа хизмат қуролидан фойдаланиш; е) фақатгина Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра шахсни ушлаб туриш; ё) Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, ушланган шахсларни яқинларига хабар бериш, ҳимоячи билан ҳоли учрашиш ва бошқа тиббий хизмат кўрсатилиши учун шароит яратиш бериш; ж) ушланган ва дастлабки эҳтиёт чораси қамоқ танланган шахсларни шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик, қийнаш, зўрлик ишлатмаслик; з) тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш вақтида ТҚФ орган раҳбари, прокурор, суд ва бошқа мансабдор шахс томонидан ноқонуний кўрсатма ва буйруқлар берилганида бажармаслик; и) ТҚФни амалга оширувчи органнинг тезкор бўлинмалари ходими хизмат фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ва жиноят ҳақида хабар топса, яширмасдан орган раҳбарига ахборот бериши лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид халқаро ҳужжатларнинг



моҳиятини билиш тезкор-қидирув фаолиятини тўғри ва самарали этишда ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади.

References:

1. Бобомуродов Ф.Б. Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами // Масъул муҳаррир: ю.ф.д. проф. Б.Б.Муродов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023. – 1212 б.
2. Волкова Г.Н. Конвенция ООН «О правах инвалидов» и эволюция российского законодательства // Народонаселение. 2014. №1 (63). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/konventsiya-oon-o-pravah-invalidov-i-evolyutsiya-rossiyskogo-zakonodatelstva> (дата обращения: 07.07.2023).
3. Гиясов Ш.К. Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишни такомиллаштириш: Юрид. фан. Бўйича фал. д-ри (PhD)дис.– Т., 2018. – 234 б.
4. Дадуани Т.Г. Сравнительный анализ положений резолюции ООН 96 (i) и Конвенции о предупреждении преступления геноцида и наказании за него // Вестник РУДН. Серия: Юридические науки. 2011. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sravnitelnyy-analiz-polozheniy-rezolyutsii-ga-oon-96-i-i-konventsii-o-preduprezhdenii-prestupleniya-genotsida-i-nakazanii-za-nego> (дата обращения: 07.07.2023).
5. Кадирова, М. (2023). Жиноят процессуал мажбурлов чораларини қўллашни рақамлаштириш имкониятлари. Современные проблемы развития уголовно-процессуального права, 1(1), 81–87. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/criminal-procedure-law/article/view/17160>
6. Капто А.С., Пережогина М.И. Вклад Юнеско в поощрение и преумножение культурного разнообразия // Социально-гуманитарные знания. 2019. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vklad-yunesko-v-pooschrenie-i-preumnozhenie-kulturnogo-raznoobraziya> (дата обращения: 07.07.2023).
7. Каримов В.Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунига илмий-амалий шарҳ / В.Каримов: Масъул муҳаррирлар Э.Т. Юлдашев, Е.В. Коленко. - Тошкент, 2021. – 238 б.
8. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка. Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml
9. Мамадаюпова В.Ш. Қийноққа қарши курашиш – инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили// Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2020.– 5-махсус сон Б.27-32.
10. Миразимова Г.Ў., Хусанова Н.Қ. Хотин-қизларга нисбатан тайзиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларга чек қўйишнинг ҳуқуқий асослари // Science and Education. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/hotin-izlarga-nisbatan-tayziva-z-ravonlikning-oldini-olish-ularga-chek-yishning-u-u-iy-asoslari> (дата обращения: 07.07.2023).
11. Мўминжонов Б.Қ. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистон Конституцияси // Та’лим фидойилари. 2022. №7. URL:



<https://cyberleninka.ru/article/n/inson-u-u-lari-umumzha-on-deklaratsiyasi-va-zbekiston-konstitutsiyasi> (дата обращения: 07.07.2023).

12. Раҳмонова Х.Ш. Ногиронларни ҳимоя қилиш – олий қадрият (Ногиронликни ҳимоя қилувчи қонунчиликка бир назар) Scientific Progress // VOLUME 3 | ISSUE 1 | 2022 ISSN: 2181-1601 Uzbekistan www.scientificprogress.uz P.972-979.

13. Саалаев О.Б. Права человека и история их развития // Проблемы Науки. 2016. №10 (52). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prava-cheloveka-i-istoriya-ih-razvitiya> (дата обращения: 07.07.2023).

14. Саидов А .Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ : Дарслик. – Тошкент: Konsauditin form Nashr, 2006. 400 б.

15. Саитбаев Т.Р., Акрамходжаев Б.Т. Ички ишлар органлари оператив-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995. – Б.6-13.

16. Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икромов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 236 б.

17. Хапчаев С.Т, Кокорев В.Г. Декларация независимости США: историко-правовой анализ предпосылок и последствий принятия // Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research. 2022. №16 (18). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/deklaratsiya-nezavisimosti-ssha-istoriko-pravovoy-analiz-predposylok-i-posledstviy-prinyatiya> (дата обращения: 07.07.2023).

18. Гуломжонов О.Р., Абдусаломов М.И. Бола ҳуқуқларига оид халқаро нормалар классификацияси // Scientific progress. 2021. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bola-u-u-lariga-oid-al-aro-normalar-klassifikatsiyasi> (дата обращения: 07.07.2023).

19. Қосимов Б Ўзбекистон ва Америка Кўшма штатларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш тенденциялари: қиёсий таҳлил: 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқиUDC: 347.9 (042)(575.1) Б.40-52.

20. Яковлева Л.И. Французская декларация прав человека и гражданина 1789 года: история принятия, предпосылки, уроки // Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. 2018. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/frantsuzskaya-deklaratsiya-prav-cheloveka-i-grazhdanina-1789-goda-istoriya-prinyatiya-predposylki-uroki> (дата обращения: 07.07.2023).